

Ирригация ва мелиорация тармоқларига киритилаётган инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлиги

Эргашев Р.Х., Шохўжаева З. (ҚарМШИ)

Кейинги йилларда қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, фермер хўжаликларини ривожлантириш, ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмасини барпо этиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар қишлоқда ҳақиқий мулкдорлар синфини шакллантириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ҳамда қишлоқ аҳолисининг даромадларини кўпайтириш имконини берди.

Шунингдек, суғориладиган ерларнинг ҳозирги мелиоратив ҳолати қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини янада ўстиришга ва қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг даромадларини оширишга тўсқинлик қилмоқда. Мелиорация соҳасидаги тадбирларнинг лойиҳаларини шунингдек, уларни молиялаштиришнинг аниқ манбаларини шакллантиришда тизимли равишда комплекс ёндошилмаётганлиги, сув хўжалиги тузилмалари ва сувдан фойдаланувчилар уюшмаларининг сушт ишлаши кейинги йилларда мелиорация ишлари ҳажмларининг камайишига, сизот сувларининг даражаси кўтарилишига ва минераллашуви ошиб кетишга олиб келди. Бунинг оқибатида бугунги кунга келиб, суғориладиган ерларнинг 50 фоизидан кўпроғи шўр босган ва айни пайтида фермер хўжаликларига қарашли бўлган ерларнинг 16 фоизидан ортиғи қониқарсиз аҳволдадир.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада барқарор ривожлантириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, уларнинг унумдорлигини ошириш мақсадида 2007 йилнинг 29 октябрида “Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 440-сонли Фармони қабул қилинди. Ушбу Фармонга мувофиқ 2007 йилнинг 15 ноябрига қадар 2008 йилнинг 1 январидан бошлаб биринчи навбатда реконструкция қилинадиган ва қуриладиган объектларни белгилаб бериш мақсадида 2008-2012 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Дастури

ишлаб чиқилди. Ушбу Дастурни амалга ошириш учун, яъни жойларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашнинг узоқ ва ўрта муддатли Давлат дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси ҳисобидан тизимли асосда молиялаштириш кўзда тутилган эди.

2008-2012 йиллар мобайнида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича пудрат ташкилотларини тузиш ва улар томонидан амалга ошириладиган ишлар ва хизматлар Фармонда белгиланган солиқлардан озод этилиши, ҳамда сувдан фойдаланувчилар уюшмаларини мелиорация техникаси саройини янгилаш, яъни мелиорация техникаси билан таъминлаш бўйича ихтисослаштирилган лизинг компанияларини ташкил этиш мақсад қилиб белгиланди.

Шунингдек, Давлат дастурини амалга ошириш мақсадида 2008 йилда республика бўйича суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Дастурига биноан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси ҳисобидан 75 млрд. сўм маблағ ажратилди.

Республикада мелиоратив объектларни қуриш ва реконструкция қилиш бўйича Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси кенгашининг 2008 йил 8 февралдаги 03/1-847-сонли баённомаси билан 2008 йил дастурида 42 та реконструкция қилиш ва қуриш объектлари белгиланган бўлиб, шулардан 37 тасига экспертиза хулосалари берилди.

Реконструкция қилиш ва қуриш ишлари 70,1 км режалаштирилган бўлиб, амалда 71,5 км (102 %) бажарилди. Республика бўйича 2008 йилнинг 1 июл ҳолатига 4655,5 млн.сўмлик иш бажарилиб, амалда 4404,6 млн.сўм молиялаштирилган бўлиб, бу режага нисбатан 95,0 фоизни ташкил қилади.

Мелиоратив объектларни таъмирлаш ва тиклаш бўйича 2008 йилнинг 1 июл ҳолатига кўра 344 та объект бўйича лойиҳалаш ишлари тугатилиб, 316 таси экспертиза идораларига тақдим этилди, улардан 254 тасига экспертиза хулосалари берилди. 2008 йилнинг биринчи ярим йиллигида 18797,0 км узунликда лойиҳа қидирув

ишлари тугатилиб, 17296,0 км зовур тармоқларини лойиҳалаш ишлари тўлиқ бажарилди.

Давлат дастурига асосан режа бўйича 2008 йилнинг 1-ярим йиллигида 8000,0 км узунликда 18673,2 млн.сўмлик зовур-дренаж тармоқларини таъмирлаш ва тиклаш ишлари белгиланган бўлиб, амалда режа 100 фоизга таъминланди.

Зовурлар тизимида эса 140 та қувурли ўтиш жойлари қайта ётқизилди, 15 дона сув ўлчаш иншоотлари, 402 дона кузатув кудуқлари, 46 та мелиоратив насос станциялари ҳамда 900 тик кудуқлар (скважина) таъмирланди.

2008 йил 1-июл ҳолатига кўра мелиоратив объектларни тамирлаш ва тиклаш ишларининг умумий қиймати 26469,7 млн сўмни ташкил қилиб, амалда 10912,5 млн сўм молиялаштирилди. Бу борадаги ишлар Қашқадарё вилоятининг “Аму-Қашқадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси”да ҳам ижобий натижаларга эришилмоқда.

Қашқадарё вилоятида жами 512570 гектар суғориладиган ер майдонидан 505770 гектари мелиоратив назоратга олинган. Вилоят бўйича 505770 гектар мелиоратив назоратдаги суғориладиган майдондан 293920 гектар коллектор-дренаж билан таъминланган. Шундан ёпиқ-ётиқ 80050 гектар, тик бурғу кудуқлар майдони 19700 гектарни ташкил қилади. Вилоятда суғориладиган ер майдонларини ер ости сувларини 3063 дона назорат кудуқлари ёрдамида сизот сувлари сатҳларининг ўзгариши кузатиб борилади. Шунингдек 2533,82 км магистрал ва хўжаликлараро зовурлар, 11362,05 км ички хўжалик зовурлар, шундан 4551,58 км очик ва 6810,47 ёпиқ-ётиқ зовурлар сизот сувларни олиб чиқиш учун хизмат қилади. Аму-Қашқадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси тасарруфида 2085,35 км узунликда магистрал ва хўжаликлараро тизим каналлари мавжуд, шу жумладан 1336,69 км бетонлаштирилган, 31,91 км навли (лоток) ва 716,75 км очик тупроқли. Уларда 2771 дона гидротехник иншоотлар, 27 дона дюкер ва 33 дона акведуклар ва бошқа иншоотлар мавжуд. Ички суғориш тармоқларининг узунлиги 20449,58 км бўлиб, 2205,68 км қисми бетонлаштирилган, 6236,47 новли (лоток), 864,02 км қисми қувурли ва 11143,41 км қисми тупроқ узанли тармоқлардан иборат. 1525 дона гидростлар орқали бирламчи ва иккиламчи сувдан фойдаланувчиларга сув етказиб берилади.

Юқоридаги маълумотлардан кўринадик, Қашқадарё вилоятида қишлоқ хўжалигига, айниқса ирригация ва мелиорация ишларига инвестицияларни жалб этишни фаолият турлари бўйича ишлаб чиқаришни ривожлантириш, кенгайтириш, қишлоқ хўжалик корхоналарининг ер-сув ресурсларининг ҳолатини ва моддий-техника таъминотини яхшилаш ҳамда замонавий агротехнологияларни жорий этиш мақсадга мувофиқдир. Шу сабабли ирригация ва мелиорация тармоқларининг инвестицион фаолиятини ошириш учун қуйидагиларни тавсия этиш лозим:

- Ирригация ва мелиорация ишларига инвестицияларни жалб этишнинг устувор йўналишларини реал шароитлардан келиб чиққан ҳолда аниқлаш;
- Инвестицион жараёнларни илмий ва амалий асосланган баҳолар тизими билан таъминлаш.